

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

ОҒЗАКИ ТАРЖИМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАЙЁРЛОВ МАШҚЛАРИ ХУСУСИДА



Гулчехра Сағдиевна ШАХАЛДОРОВА

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

Nabieva-2019@mail.ru

+998946339525

Аннотация

Ушбу мақолада талабаларнинг таржимонлик компетенциялари мазмуни, таркиби ҳамда уларни ривожлантириш учун тайёрлов машқлари хусусида фикр юритилади. Таржима нутқ фаолиятининг махсус билим, маҳорат ва қобилиятдан ташкил топган энг мураккаб бир тури сифатида тадқиқ этилади. Тайёрлов машқлари ишлаб чиқишда таржимоннинг лингвистик, социолингвистик, лингвомаданий, стратегик, коммуникатив, прагматик, дискурсив ва бир қанча бошқа касбий компетенциялари назарда тутилади.

Калит сўзлар: таржима; компетенция; дискурсив компетенция; прагматик компетенция; трансформация; транслитерация; калька; билингвизм; полилингвизм; лингвомаданий; коммуникатив.

О ПОДГОТОВИТЕЛЬНЫХ УПРАЖНЕНИЯХ ДЛЯ РАЗВИТИЯ УСТНОГО ПЕРЕВОДА

Гулчехра Сағдиевна ШАХАЛДАРОВА

Преподаватель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

Nabieva-2019@mail.ru

Аннотация

В статье обсуждается содержание переводческой компетенции студентов, ее состав, а также подготовительные упражнения для их развития. Перевод рассматривается как один из сложных видов речевой деятельности, который состоит из специальных знаний, умений и способностей. При разработке подготовительных упражнений учитываются лингвистическая, социолингвистическая, лингвокультурологическая, стратегическая, коммуникативная, прагматическая, дискурсивная и ряд других профессиональных компетенций переводчика.

Ключевые слова: перевод; компетенция; дискурсивная компетенция; прагматическая компетенция; трансформация; транслитерация; калька; билингвизм; полилингвизм; лингвокультурологический; коммуникативный.

PREPARATORY EXERCISES FOR DEVELOPING ORAL TRANSLATION

Gulchekhra Sagdievna SHAKHALDAROVA

Teacher

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

Nabieva-2019@mail.ru

Abstract

This article discusses the content of the students' translation competence, its structure and preparatory exercises for development. Translation being one of complicated speech communication consists of special knowledge, skills and abilities. In working out preparatory exercises linguistic, sociolinguistic, cultural, strategic, communicative, pragmatic and discourse competencies are considered as professional competencies of a translator.

Keywords: translation; competence; discursive competence; pragmatic competence; transformation; transliteration; tracing; bilingualism; polylinguism; linguoculturological; communicative.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида, хусусан, чет тилларни ўргатиш ва ўрганиш масалаларига бағишланган барча ҳужжатларида ёшларни баркамол шахс, жаҳон стандартлари даражасида билим, малакаларга эга мутахассис қилиб тайёрлашга эътибор қаратилган. Жумладан, “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли Қарорда айнан шундай мақсадлар кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатда барча ўқув муассасаларида чет тилларни ўрганиш давлатнинг устувор ижтимоий вазифаларидан бири сифатида қаралади.

Чет тилини ўқитиш методикаси тарихидан маълумки, узоқ йиллар давомида таржима, тил ўрганиш каби кўникмалар тил ўргатишнинг асосий методи бўлиб хизмат қилган. Ж.Жалоловнинг таъкидлашича, таржима методининг матн таржимаси ва грамматик таржима шакллари мавжуд бўлиб, “Матн таржима методи: тил ўрганувчининг ақлий ривожига қаратилган. Грамматик таржима методи: мантикий тафаккурни ўстиришга қаратилган” (3, 110).

Таржима компетенция даражасида, яъни касбий фаолият тури сифатида Москва давлат лингвистика университети (Россия), University of Westminster, Cambridge University (Буюк Британия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон) ва дунёнинг қатор бошқа олий ўқув юртларида ўргатилади.

Компетенциявий ёндашув нуқтаи назрдан қараладиган бўлса, таржимоннинг коммуникатив компетенцияси (2 тилда) С1 даражасида шаклланган бўлиши талаб этилади.

Таржима нутқий фаолиятнинг махсус билим, маҳорат талаб қиладиган ва сезиларли даражада интуитив равишда кечадиган жуда мураккаб тури

ҳисобланади, шу сабабдан ҳам таржимонлик соҳасида касбий компетенцияни ривожлантириш хорижий тил ўқитиш методикасида нисбатан кам ўрганилган муаммолардан биридир.

Таржимонлик компетенцияси таркибини ҳамда мазмунини ташкил этувчи кўникма ва малакаларни аниқлаб олиш учун таржимонлик хусусида айтиб ўтиш лозим.

Таржимонлик компетенцияси таржимоннинг касбий маҳорат ва имкониятларини характерловчи тушунча бўлиб, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқиладиган таълим стандартларида, шунингдек, ўзбек ва чет эл мутахассисларининг илмий мақолаларида кенг ёритиб келинмоқда. Хорижий тил таълимида таржима нутқий мулоқот тури сифатида ҳар хил таърифланади. Россиялик психолингвист олимлардан И. А. Зимняя ва унинг сафдошлари таржиманибешта нутқ фаолиятининг бир тури сифатида тан олиб, чет тиллар ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблаб, психолингвистик хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Ушбу мақола доирасида таржима лингвистик жиҳатдан эмас, балки методик нуқтаи назардан ўрганилади ва таржимон касбий компетенцияси ўз ичига қамраб олган малака ва кўникмаларни ривожлантириш ҳақида фикр юритилади.

Методист олимлар (Ж. Жалолов, Э. Эркаев) таржиманинг чет тили таълимидаги ўрни ҳақида гапириб, уни ўргатишда турлича ёндашув зарурлигини таъкидлаб ўтадилар (3, 10):

- * тил ўргатиш машқи;
- * нутқ фаолияти тури;
- * мутахассислик соҳаси.

Э. Эркаев ўзининг номзодлик диссертациясида таржима машқларининг чет тилни ўрганишдаги ўрни ва самарадорлигини тадқиқ этар экан, таржимага психологик-методик жиҳатдан ёндашган олимлар фикрига таянади ва таржимани мақсад ва восита сифатида ўргатишда машқлар тизимини ишлаб чиқади (7).

Юқорида айтиб ўтилганидек, компетенция тушунчаси ҳам чет тили ўқитиш методикасида мунозарали атамалардан бўлиб, асосан, унга таълим мақсад ва мазмунини “тил соҳиби” даражасида билиш, эгаллашдан ҳосил бўладиган натижа деб қаралади. Шу нуқтаи назардан таржима қатор малака ва кўникмалардан ташкил топади: лингвистик, ижтимоий-маданий, лингвомаданий, стратегик, коммуникатив, прагматик, дискурсив ва касбий.

Санаб ўтилган компетенциялар таржимон-мутахассис эгаллаши шарт бўлган якуний мақсадни ташкил этади. Етук таржимон тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири – она тили ва чет тилида тенг билимга эга бўлган таржимонни тайёрлаш ҳисобланади.

Шубҳасиз, таржимонлик компетенцияси таркибини аниқлаштириш, мазмун моҳиятини ривожлантириш усуллари ишлаб чиқиш, таржиманинг қайси тури (оғзаки, ёзма), қайси методи (трансформация, транслитерация, калька)ни ўргатиш муҳим саналади. Буларни ҳисобга олган ҳолда таржимани ўргатиш машқлари, восита ва усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қуйида оғзаки таржимани ўргатишнинг айрим машқлари ва улардан фойдаланиш методикаси ҳақида фикр юритилади. Маълумки, оғзаки таржимада тинглаб тушуниш ва гапириш компетенциялари иштирок этади. Таржимон чет тилда тинглаб, она тилига ўгириши талаб қилинади. Бу жараёнда таржимон учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга:

- * оғзаки нутқни тинглаб тушуниш тезлиги;
- * қисқа муддатли хотира ҳажми;
- * тинглаб таржима қилинаётган матн ҳажми;
- * берилган вақт меъёри;

Биз таржимонлик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёни методик нуқтаи назардан 3 босқичда амалга оширилади деб ҳисоблаймиз:

- * таржима олди (тайёргарлик) босқичи;
- * таржима жараёни босқичи;
- * таржимадан кейинги босқич (7, 139);

Биринчи (тайёргарлик) босқич, асосан, айрим лингвистик ва экстралингвистик қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирилади. Қуйида тинглаб тушуниб оғзаки таржима қилишга тайёрлов машқларидан намуналар келтирамиз.

Маълумки, оғзаки матн жанрлари ахборот, интервью, мунозара, маъруза кабилардан иборат ва улар диалог, монолог, полилог шаклларида бўлиши мумкин. Бундай жанрлардаги оғзаки матнлар таржимасини ўргатиш учун машқлар тизимини яратишда хотирани мустақамлаш таржимадан олдинги бажариладиган машқларнинг асосийси ҳисобланади.

Таржимани ўргатишнинг биринчи босқичи учун тайёрлов машқларини ишлаб чиқишда И.С.Алексеева тавсия этган машқлар тизимига асосланиб, ундан

айрим ўзгартиришлар киритган холда фойдаландик (1) ва ЎзДЖТУ таржимонлик факультети 1- босқичида қўллаб кўрдик.

I. Бир тилдан бошқа тилга ўтишни машқ қилиш (перекодирование).

Бир тилдан бошқа тилга ўтиш таржимон учун энг муҳим касбий малакалардан биридир, чунки у тиллараро алоқа ўрната олиши лозим. Бунда энг қийини ўтиш сонлар билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Масалан:

- а) 5тадан 10тагача сўзларни аввал она тилида, кейин чет тилида такрорлаш;
- б) топонимлар ва атоқли отларни талаффуз қилиш кабилар.

Бундай машқларни бажариш тартиби қуйидагича: оғзаки матнни тинглаш ва она тилида такрорлаш, чет тилида такрорлаш ва она тилига таржима қилиш.

II. Чет тилида ҳарфлаб айтилган сўзларни талаффуз қилиш ва она тилида таржима қилиш тезлигини ошириш, тўхтам (пауза)ларни иложи борича йўқотиш, машқ турларини тез-тез алмаштириш фойда беради. Оғзаки таржимада вақт ҳамиша чегараланган, шу сабабли хатолар таҳлили, муҳокама ва мунозаралар оғзаки таржима жараёнида бажарилмайди.

Таржима қилишга ўргатишнинг дастлабки босқичиданоқ талабаларни юқори тезликда ишлашга ўргатиш лозим, бунинг учун эса, албатта, вақт белгиланган бўлиши керак. Масалан, берилган 10та сўз (3та гап, абзац)ни тингланг, айтинг ва таржима қилинг.

III. Матнни қисқартириш, ихчамлаштириш машқлари (компрессия).

Компрессия оғзаки таржима учун жуда муҳим бўлиб, унда матн ҳажми ихчамлаштирилади, қисқартирилади, лексик ва грамматик алмаштиришлар амалга оширилади.

Масалан:

- а) она тилида берилган матнни тинглаш ва қисқартириш;
- б) она тилида берилган матнни тинглаш, қисқартириш ва чет тилига таржима қилиш;
- в) оғзаки матнни тинглаш ва қўшма гапларни содда гапларга айлантириш ва таржима қилиш.

IV. Турли трансформациялардан фойдаланиш.

Маълумки, матнни таржима қилишда шакл ва мазмун билан боғлиқ турли ўзгартиришлар таржиманинг трансформация усуллари:

- * матн мазмунини кенгайтириш ёки торайтириш;
- * мантиқий ривожлантириш;
- * сўз қўйиш ёки тушириб қолдириш;
- * бир-бирига қўшиш ёки бўлиб ташлаш;

- * сўз тартиби ёки синтантик қурилмаларни ўзгартириш;
- * бир сўз туркумини бошқаси билан алмаштириш;
- * ўрнини тўлдириш (компенсация);
- * антонимик алмаштириш;
- * изоҳлаш (терминлар таржимасида кўпроқ қўлланилади) (2, 3, 6).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, таржимани ўргатишнинг самарали методикасини ишлаб чиқиш учун катор муаммоларга эътибор қаратиш галдаги вазифалардандир, жумладан:

- * оғзаки (синхрон) ва ёзма таржимон учун лексиканинг минимум ва максимум миқдорини аниқлаш;
- * синхрон таржимон учун тинглаб тушуниш тезлиги қай даражада ривожланган бўлишини аниқлаш;
- * турли услубдаги матнлар таржимасида соддадан мураккабга тамойилини қўллаш;
- * таржима сифатини аниқлаш мезон ва методларини ишлаб чиқиш;
- * луғатлар, жумладан, электрон луғатлар билан ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш;
- * таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик қийинчиликларини таснифлаш;
- * таржимада тиллар аро, тил ички ва маданиятлараро интерференциялар нуқталарини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;
- * икки тилни тенг даражада эгаллаш кўрсаткичларини аниқлаш;

Санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш таржимон мутахассис тайёрлашнинг янада самарадор технологияларини ишлаб чиқиш омилидир.

Шундай қилиб, бўлғуси таржимоннинг мутахассис сифатидаги компетенциясини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш аниқ мақсадга йўналтирилган машқлар тизими ёрдамида амалга оширилади ва бу жараён уч босқични ўз ичига олади. Ушбу мақолада таржимон компетенциясини шакллантиришнинг 1-босқичи учун қўллаш мумкин бўлган айрим машқлар ҳақида фикр юритилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алексеева И. С. профессиональное обучение переводчика: Учебное пособие по устному и письменному переводу для переводчиков и преподавателей. – СПб.: Союз, – 2001. – 288 с.
2. Жалолов Ж. Сайланма. – Тошкент, – 2017. – 317 б.
3. Jalolov J. Chet til o'qitish metodikasi. – Toshkent, – 2012. – 430 b.
4. Гофуров И., Мўминов О., Қамбаров Н.. Таржима назарияси. – Тошкент, 2012. – 210 б.
5. Латышев Л. К. Перевод: Теория, практика и методика переподования учебник для студентов – М.: Академия, – 2005. – 192с.

6. Тўхтасинов И. М. Лингвистик – таржимоннинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг айрим масаллари//Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқалар учун кадрлар тайёрлашда тил таълими ва таржима масаллари Респ. илмий-амал.конф. материал. 12 май, 2016 й. – Тошкент, 2016. – Б. 280–282.
7. Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи: дисс.пед.фан.номз. – Тошкент. – 2008. –139 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 10.12.2012
9. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Тошкент, Фан. 2005. – 352 б.